



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 10 июнь, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (12.932)

Баҳоси эркин нарҳда

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби
Пан Ги Мун 2015 йилнинг 11-12 июнь кунлари
расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув ва музокаралар чоғида мамлакатимиз ва БМТ тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти ҳамкорлиги кенг қамровли.
Мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро тузилма
билан тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш,
экологик муаммоларни бартараф этиш, таълим,
соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни
ривожлантириш борасида изчил ҳамкорлик қилиб
келмоқда.**

Пойтахтимизда БМТнинг қатор таркибий тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жағғармаси, Аҳолишунослик жағғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, Таракқиёт дастури, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО билан ўзаро ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик. Халқларнинг маънавий дунёсини юксалтириш, улар ўртасида ўзаро маданий ва маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали жаҳонда тотувлик ва бағрикенглик ғояларини қарор топтиришга қаратилган мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар билан ҳамоҳангдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни асраб-авайлаш, аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, илм-фан ва таълим соҳаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. 1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Президентимиз Ислам Каримов миллий маданиятни ривожлантириш, маданий-тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти – «Абу Али ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. 2006 йилда давлатимиз раҳбарига халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданиятларо ва динларо мулоқотни ривожлантириш ҳамда маданий ранг-барангликни қўллаб-қувватлаш борасидаги улкан ҳисматлари учун ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медали топширилди.

ЮНЕСКО Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнига, юртимиздаги тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига катта қизиқиш билан қарайди. Мамлакатимизда муқаддас қадимжоларни таъмирлаш, улуг аждодларимиздан қолган бой маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш, ўрганишга қаратилаётган юксак эътибор ташкилот томонидан доимо эътироф этилади.

ЮНЕСКО фан, таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолитдин Бехзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Шашмақом, Катта ашула, Наврўз ва Аския инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда ЮНЕСКО иштирокида кўлаб халқаро анжуманлар ўтказилаётгани халқимизнинг бой маънавий меросига, юксак маданиятга, улкан бунёдкорлик салоҳиятига ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда иштирок этган ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизен ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантиришга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. У юртимиз ёшлари – ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий одамларнинг мамнун чеҳрасига алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон – келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қилдиган ёшлардан иборат, ўқимшли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар мамлакатни эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



Танловлар

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Кун кеча «Туркистон» саройида «Фуқаролар
йигинининг энг намунали диний маърифат ва
маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича
маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Тошкент
шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳаллаларнинг фаол иштирокчи сифатида нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила-ларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари маҳалланинг нуфузини янада ошириш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжат-

лари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.

2004 йилдан бошлаб маҳаллаларда жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланган бўлиб, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 475 та диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида
мамлакатимиз пахта тозалаш корхоналарини техник жиҳатдан қайта
жиҳозлаш самаралари, истиқболдаги чора-тадбирлар ҳамда VIII
Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида
тизим корхоналарининг иштироки хусусида сўз борди.**

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иқтисодийни тараққий эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, «Ўзпахтасаноат» уюшмасида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси хуқуқидagi қатор институтлар ҳамда бошқа илм-фан муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мисол учун, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари билан олиб боришган изланишлар самарасида пахта тойлирини ўраш учун янги ўраш материаллари ва боғлаш тасмалари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга жорий этилди.

Уюшма тизимидаги корхоналарда пахтани қайта ишлаш билан бирга, уруғлик чигит тайёрлаш, пахта заводлари ва уруғлик чигит тайёрловчи цехлар учун аспирацион тизимлар, учкун ўчиргич, пахта толеси ва линти учун контейнерлар, пахта териш машиналари ҳамда пахтани қайта ишлаш ускуналарини модернизациялашга оид янги инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш юзасидан ҳам изчил ишлар амалга оширилаётди. Айни пайтда тизимда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатнинг бошқа тармоқлари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида уюшма корхоналари юртимиздаги илм-фан муассасалари билан умумий қиймати 1 миллиард сўмлик 40 дан ортиқ шартнома тузди. Ўзбекистон Миллий

университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида ишлаб чиқилган «ЎзХитАн» препараты учун 280 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

Соҳани инновацион янгилашда «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Истиқболли ишланмалардан бири шу йили Фарғона вилоятидаги Бешарик пахта тозалаш корхонасида жорий этилди. Ушбу янги технология бўйича пахта хомашёсини қуритишда сукултирилган газдан фойдаланиш кўзда тутилган. Қуритиш ускуналарисида иссиқлик таъминотининг бундай технологиядан фойдаланиш нам пахтани тўлиқ ва узлуksиз қуритишни таъминлаш билан бирга, нефть маҳсулотлари ва табиий газ сарфини қисқартиришда қўл келади.

«Пахтасаноат илмий маркази» мутахассислари бир неча йилдан буюн УХК тозалаш агрегатларини модернизациялаш борасида изланишлар олиб бормоқда. Тез едирилувчи эҳтиёт қисмлар – иқтисодий жиҳатдан самарали ва амалиётда ишончли бўлган чўткали барабанлар ўрнига, металл пластиналар барабанлар жорий этилмоқда. Бунда уларнинг едирилиши минимал даражада бўлиб, понасимон тасманинг ишдан чиқиши ва двигателларнинг зўриқиши камаюди.

Тадбирда «Пахтасаноат илмий маркази» тақлиф этаётган тола ва линт тозалагичлар, двигателлари ортиқча юктамалардан сақлаш қурilmалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида батафсил маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кува туманида «Маҳаллам – фаҳрим менинг, тинчлигим – баҳтим менинг» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ташкил этилган «Миллий либослар – миллат кўзгуси», «Миллий таомлар» кўргазмалари, 29-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган «Мустақиллик шукронаси» давра суҳбати, «Нуронийлар ва ёш авлод» учрашуви иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Маҳалла ёшлари ўртасида миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

● Термизда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Сурхондарё вилояти, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, тиббиёт, таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ туманида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бутунлай янги қиёфа касб этган маскан маҳалла кўрқига кўрк қўшмоқда. Бу ерда дуторчи қизлар ҳамда бошқа ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилди. Хореография, тасвирий санъат, «Чевар қўллар» тўғараклари, маънавий ва маърифат хоналари замонавий тарзда жиҳозланди. Марказда спектакль ва концерт дастурлари намойиш этиш учун барча шароит яратилган.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида «XXI аср – интеллектуал авлод асри» илмий-амалий анжуманининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Танловда ҳар бир йўналиш бўйича дастлабки уч ўринни эгаллаган 12 ёш олим ва илмий ҳодим жорий йилнинг ноябрида Самарқандда ўтказиладиган анжуманнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Грецияда 5,2 балли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши маркази Афинадан 77 километр шимоли-ғарбида бўлиб, пойтахтда кучли ер силқинишлари ўн сония давомида сезилиб турди. Зилзила натижасида қурбонлар ва вайронагарчиликлар бўлмади.

● АҚШ фуқароси Соня Баумштейн эшак орқали бошқариладиган оддий қайиқда якка ўзи Тинч океанидан сузиб ўтишга аҳд қилди. Шу мақсадда у Япониянинг Гёси портидан ўзининг фаройиб саёҳатини бошлади. Тўрт ойдан олти ойгача давом этиши кўзда тутиладиган ушбу хавфли саёҳат Американинг Сан-Франциско шаҳрида якунига етиши мўлжалланмоқда.

● Колумбия полицияси Венесуэла билан чегара худудида жойлашган Норте-де-Сантандер департаментида хавфли жиноятчилар тўдасини қўлга олиш юзасидан операцияни муваффақиятли тарзда амалга оширди. Жиноий гуруҳдан 500 килограммдан ортиқ қиймати 2 миллион долларлик кокаин гиёҳванд моддаси тортиб олинди, шунингдек, наркотикларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган яширин лаборатория йўқ қилинди.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчиси. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, ЮНЕСКО шафелигида анъанавий тарзда ўтказиб келинган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусика ва кўшиқ орқали одамлар қалбда эзгу туйғуларни уйғотишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Мазкур фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилиши унинг сиёсий-маънавий аҳамияти нақадар юксаклигидан далолатдир.

Мазкур фестиваль нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё номоддий маданий меросини тиклаш, асраш, тарғиб қилиш ва авлоддан авлодга етказишга ўзининг беқиёс ҳиссасини қўймоқда. 2013 йилда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусика фестивалнинг очилиш маросимидда ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокоева бунни алоҳида қайд этди: «Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ислам Каримов томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунасидир. Минг йиллар давомида ер юзининг турли ўлкаларидан одамлар бутун дунё таниган буюк астроном Улугбек заковатининг махсули бўлиши илм-фан, фалсафа, диниunosлик, астрономия ва адабиёт сирларини ўрганиш мақсадида Самарқандга келганлар. Улар бу ерга илм олиш, мусика, рақс ва мингйиллик урф-одатларни ўрганиш учун келишган ва бугун биз ҳам ана шу қадимий анъаналарни давом эттирмоқдамиз. Глобаллашадиган дунёда инсонларни бирлаштириш учун бизга катта восита керак. Мусика шу воситаларнинг биридир. Бу шундай кучки, барча чегаралардан ошиб, юракларга жо бўлади – ҳар биримизга турлича таъсир этиб, ягона бир оила сифатида бирлаштиради».

Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг фаол ҳамкорлиги таълим соҳасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар самарасида ҳам ўз аксини топган. Мазкур ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи таълим соҳасидаги асосий дастур ҳисобланиб, дунёдаги олти мингдан зиёд мактаб унинг аъзосидир. Дастурнинг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданиятлараро мулоқот ва барқарор тараққиёт ғояларини тарғиб этиш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимизда ушбу тармокни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 1996 йилдан буён мазкур тармокқа юртимизнинг элликка яқин таълим муассасаси аъзо бўлган. Ушбу таълим муассасалари бир қатор халқаро дастурларда муваффақиятли қатнашиб, «Таълим барча учун» мақсадларини тарғиб этмоқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий қадриятларни ривожлантиришга бағишланган қатор лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмалари, жумладан, ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораверади. Бу ҳамкорлик жаҳонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга, халқлар ўртасида дўстликни ривожлантиришга, Ватанимиз равиқани ва ҳалқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Надире МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР МАСЛАХАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маслаҳатчилар томонидан зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида тизимли тарзда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги ижобий иш тажрибаларини кенг омалаштириш мақсадида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловини ўтказиш анъана тусини олган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруvinинг бош мутахассиси Омила Арипова. — Сирасини айтганда, маҳалланинг жамиятдаги нуфузининг ошишида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни беқиёс. Улар маҳаллада осойишталик ва тотувликни сақлаш, анъана

на ҳамда қадриятларимизнинг бардавомлиги, ёшлар тарбиясини тўғри шакллантириш билан боғлиқ масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажаришмоқда. Айниқса, бу борадаги ишлар Кесаларни эъзозлаш йилида янада катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги Давлат дастури ижроси доирасида ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, қарияларни қадрлаш, маҳаллада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш каби бир қатор масалаларга янада кучли эътибор қаратилмоқда.

Танловнинг шаҳар босқичида туманлардан 1-ўринга сазовор бўлган 11 нафар маслаҳатчилар учта шарт асосида ўзаро беллашдилар.

Иштирокчилар маслаҳатчиларнинг маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимиз

ни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, шунингдек, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва маслаҳатчилар томонидан уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш жараёниларини амалий мисолларда кенг очиб беришди.

Шунингдек, тадбир давомида маслаҳатчиларнинг фаолиятига оид иш ҳужжатлари, фотоальбомлар, плакат ва стендлар ҳамда ҳунармандчилик ишлари кўргазмаси намойиш этилди.

Танловнинг барча шартларини намунали тарзда бажарган Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Маҳмад Мақсудова 1-ўринни кўлга киритиб, танловнинг Республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин Сергели туманидаги «Маданият» маҳалласи



маслаҳатчиси Наима Машанпина, учинчи ўрин Юнусобод туманидаги «Бободоҳон» маҳалласи маслаҳатчиси Мастура Қорабоевага насиб этди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари диплом ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бошқаруvinинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситинова иштирок этди.

Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: танловдан
лаҳзалар
Ислам Исмоилов
олган суратлар

Ёш авлоднинг орзу-интиллларини пухта ўрганиш, уларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш мақсадида умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини таҳлил этиш, уларнинг қизиқиш ва изланишларига йўл очиб борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса билимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг замонавий талаблар асосида илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётган.

Интеллектуал мусобақа

ИНГЛИЗ ТИЛИ БИЛИМДОНЛАРИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Инглиз тили билимдонлари» интеллектуал мусобақаси республика босқичининг ташкил этилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Айтиш керакки, мамлакатимизда таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлотлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, юксак савияли, теран ва мустакил тафаккурли авлоднинг камолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида фуқаролик назорати механизмлари мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур кенгаш Ўзбекистон Қуролли Кучлари устидан самарали фуқаролик назорати механизмини шакллантириш ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очик-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлаш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги шахсий таркиби билан ишлаш бошқармаси бошлиғи А.Қиличев ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган вазифалар асосида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Жамоатчилик кенгаши ҳузурида ташкил этилган бешта комиссия ўтган даврда мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид давлат сиёсати юзасидан жамоатчилик фикрини

ўрганиш, ҳарбий хизматчилар, заҳирага бўшатишган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, маданий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил этиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ишлотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга қаратилган қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенция ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунининг Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахмонова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга пухта билим бериш, юксак фазилатлар соҳиб бўлиб этиб тарбиялаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар.

Тошкент шаҳрида ҳам мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисининг 31 фоиздан ортиқроғини воёга етмаган

лар ташкил этади. 287 умумтаълим мактаби, 79 касб-ҳунар коллежи, 41 академик лицей, 441 мактабгажа таълим муассасаси, қатор ихтисослаштирилган таълим-тарбия масканларида ўғил-қизларга пухта билим бериш билан бирга, уларни миллий ва умумбашарий фазилатлар соҳиб бўлиб воёга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 30 болалар мусика ва санъат мактабида 6 минг 800 нафардан зиёд ўқувчи санъатнинг турли йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда. Мактаблар қошидаги синфдан ташқари спорт тўғрақлари, спорт мактабларидаги машғулотлар бола

ларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар ва туман комиссиялари томонидан васий ёки ҳомий тайинлашда унинг шахсий фазилатлари, тегинли мажбуриятларни бажаришга доир лаёқати ва қобилияти, мазкур шахс, васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахслар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш, ҳуқуқ-тартибот идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув масканлари ҳамда ота-оналар ўртасида воёга етмаганларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш юзасидан ҳамкорликни янада кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда ўтказилган назорат-таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда бола ҳуқуқларининг муҳофаза, воёга етмаганлар ўртасида нозоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасида дахлдор бўлган идора ва муассасаларнинг фаолияти, уларнинг масъулиятини янада кучайтиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.УСМОНОВА

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ — УЗОҚ УМР КЎРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўз ўғитларида кимки соғлом ва узоқ умр кўришни истаса, аввало, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган таом сифати, миқдори, уни истеъмол қилиш вақти ва ҳазм буриш жараёнига асосий эътибор қаратишни зарурлигини қайд этган.

Бу ҳулосалар бугунги замонавий тиббиётда тўлиқ исботланган: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аскарят касалликларнинг юзга келишига нотўғри овқатланиш сабаб бўлаётган. Хусусан, сеимизлик, қамқонлик, қандли диабет, юрак-қан томир, жигар, буйрак касалликларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ушбу муаммо асосий омилдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозир сайёрамиз аҳолисининг 7 фоизи ана шундай нораціонал овқатланиш тўғрисида сеимизлик даражасида азият чеқмоқда. Вазнининг орттиб кетиши натижасида кўпгина инсонлар айни навуқрон ёшида турли хасталикларга чалиниб, меҳнатга лаъқатини йўқотмоқда.

Бундай муаммо нафақат катталар, балки болалар саломатлигига ҳам салбий таъсир этаётгани таъкидланган. Ҳозир дунёда 180 миллионга яқин бола ва ўсмирнинг вазни ёшига нисбатан бир неча баробар орттириб қилинган. Айрим мамлакатларда бу кўрсаткич анча юқори, яъни ўсмирларнинг йилга беш фоизини орттиришга, 15 фоизини сеимизлик хасталигига бевозта қилмоқда.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Сайёрамизда деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўғри овқатланмаслик оқибатида асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Бу 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир нуқсонларга дучор бўлишига олиб келган.

Ушбу глобал муаммоларга қарши курашиш БМТнинг Мунгиллик ривожланиш мақсадлари ва бошқа халқаро миқёсдаги тиббий-иқтисодий лойиҳаларнинг муҳим йўналиши этиб белгиланган ва кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Еш авлодга соғлом ва баркамол воёга етказиш, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, бозорларни юртимизда ишлаб чиқарилган экологик соф, тўғрилик маҳсулотлар билан таъминлаш, озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган ишлотларнинг устувор йўналишларидандир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, соҳада илм-фан эришяётган илгор ютуқлар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтиришга қаратилаётган доимий эътибор тўғрисида юртимизда сифатли, экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳўжми ортмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳўжми 2 баробардан зиёд ошди. Натижада гўшт, сўт маҳсулотлари, қартошка, сабзавот, мева ва бошқа озиқ-овқат истеъмолари бир неча баробарга кўпайди. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли жон бошига қарий 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм қартошка ва 44 килограмм сўт тўғри келмоқда. Бу мақбўл деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп.

Аҳоли, хусусан, еш авлоднинг соғлом овқатланишини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини фойдаланиш моддалар билан боғлиқ, қалокўларни қўрқак сўти билан озиқлантириш, ҳўмилдор аёлларга бепул поливитаминлар бериш, болалар ўртасида микронутриент танқислигининг олдини олиш мақсадида сапплементация дастурлари амалга оширилмоқда. Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар аҳоли, хусусан, болалар саломатлигини тўғри таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда қўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сонини икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди, минтақамизга соқ бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда қамқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил 5-6 июнь кўнлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда бу йўналишда мамлакатимизда эришилган ўзига соқ ютуқ ва тажрибалар халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориди бу борадаги ишларни изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган.

— Соғлом овқатланиш инсон организмнинг ўсиши, унинг руҳий ва интеллектуал ривожланиши, меҳнат қобилияти, муслашуш жараёни ва энг асосийси, йўналиш соғлом ҳамда ташки муҳитнинг ҳар қандай салбий омилларига қарши курашда ҳўсўсиятларини бир маромада сақлаб туришчи, инсоннинг ҳаёт давомийлигини таъминловчи муҳим жараёндир, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири Низом Эрматов. — Бу соҳа қадимдан тиббиётнинг муҳим йўналиши бўлиб, парhezашунослик соҳасида бизга катта илмий-маънавий мерос еттиб келган. Замонавий илм-фанда бу соҳа диетология деб юритилмоқда. Бугунги глобаллашадиган даврда инсоннинг соғлом ва узоқ умр кечириши, келажақ авлодларнинг соғлом ва баркамол бўлиб воёга етиши, интеллектуал салоҳиятини асраш ва ривожлантиришда бу борадаги ишларни илмий-амалий жиҳатдан уйғун тарзда ташкил этиш тобора долзарб аҳамият касб этаётган.

Ўқорида қайд этилган қарорда мамлакатимизда бу йўналишдаги чора-тадбирларни ташкил этишнинг ҳўқуқий асослари ва амалий механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар белгиланган. Хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг ҳўзурида Республика диетология ўқув-илмий марказини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан мақсад ушбу йўналишда амалга оширилаётган тиббий-иқтисодий лойиҳаларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи, жумладан, рационал овқатланиш маданиятини кенг тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни оширишдир.

Қарорда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва рационал овқатланиш маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни кенгайтириш билан боғлиқ қатор вазифалар ҳам белгиланган. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жўйлардаги тузилмалари, даволаш-профилактика муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари шўфкорлари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада кенг қамровли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Бу йўналишда оилалар, маҳалла, таълим муассасалари, тиббиёт масканларида тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилаётган. Ошмавий аҳборот воситаларида оилалар, мутахассислар, шўфкорларнинг қишқилари уюштирилмоқда. Буларнинг бари ҳалқимиз, жумладан, ёшлар онгига ўз саломатлигини унун масъулият туйғусини қўқур синдириш, соғлом турмуш тарзи бўйича замонавий тиббиёт тамойилларини, миллий анъаналаримизни кенг тарғиб этиш, оилаларда соғлом ва баркамол авлодларни қамолга етказишга хизмат қилаётган.

— Тўғри овқатланиш инсоннинг нафақат саломатлигига, балки дунёқарашига, руҳиятига ҳам таъсир кўрсатади, — дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари Гўлбаҳор Абдуллоева. — Ҳар бир инсон бу жараёнда тозалик, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этиши баробарида, овқатланиш тартиби, миқдори, овқатни истеъмол қилиш вақти ва ҳазм бўлиш тартибига ҳам билиши, яъни ўз вужудини теран англаши зарур. Афсуски ҳамма ҳам бу қоидаларга тўла амал қилавермайдиган. Айрим ота-оналар рационал овқатланиш деганда қўли таомлар истеъмол қилишни тушунади. Бу саломатлик билан боғлиқ турли муаммоларга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш унун ҳар ким саломатлигининг ўз вақтида қадрга етиши, унинг моҳиятини фарзандларига ҳам синдириши, тиббий-профилактика қўриғидан ўз вақтида ўтиб, соғлом турмуш тамойилларига тўла риоя этмоғи керак.

Демак, соғлом бўлиш, узоқ умр кўриш тўғри овқатланишга, бошқача айтганда, овқатланиш маданиятига ҳам боғлиқ. Шу маънода, соғлиғимиз унун, аввало, ўзимиз масъул бўлмоғимиз лозим.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Гўлчехра ДҲРДИЕВА

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

— Болаларим эрталаб бочага бормайман, деб тинмай хархаша қиларди, — деб эслайди пойтахтлик Дилором ая Мамадиёрова. — Бугун набираларим тарбияланаётган муассасадаги шарт-шароитлар, қулай тарбиявий муҳит, ўз фаолиятидан қониқиб, меҳнати рағбатлантириладиганидан мамнун мутахассисларнинг очик чехраси кичкинтойларни мактабгача таълим масканларига қорлаётганини кўриб қувонаман.

Озод ва обод юрда яшаш бахти юртдошларимизнинг мактабгача тарбия масканларига «бола фақат ўйнаб турадиган жой» деган қарашларини ўзгартирди.

Таълимга қўйилган сармоя — келажак кафолати

Буюк аллома Абу Наср Форобий «Таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунлиқда тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукаммал инсонни етиштиришдадир», дейди. Шу боис истиқлолнинг илк йилларидаюқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида вояга етказиш давлатимиз сийосатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни юксак маънавият, теран ва соғлом тафаккур соҳибига эътиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилди. Бу йўналишда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, қатор фармон ва қарорлар фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — ИНЕСЕД томонидан инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгалламоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача олар экан. Айни шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган илк масканлар фаолиятини тубдан янгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Кичкинтойларда ватанпарварлик, фидойилик, мустақам ирода каби фазилатларни шакллантириш, уларнинг жисмоний-интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашиш, қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қиладиган кўплаб лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Бошланғич ва бирламчи таълимга қўйилган талабларнинг мукамаллашгани сабабли ушбу муассасалар замонавий жиҳатдан жиҳозланган, фаолияти такомиллаштириб борилаётган. Бу сабаб-ҳаракатлар мазкур масканларни болаларни мактабга тайёрлашда асосий вазифаларни бажарадиган муҳим тарбия ўчоғига айлантирди.

Бугунги кунда уй бекалари ҳам фарзандларининг яхши таълим-тарбия олиши, соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиши учун уларни ушбу муассасаларга бермоқда. Сабаби, мактабгача таълим масканларига бўлган ишончнинг юқорилигидир. Ота-оналар истаган вақтида машгулотларнинг бевосита иштирокчисига айланиши, таомларини татиб кўриши, боласи кунни қандай ўтказётганини кузатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизда давлат тасарруфидаги қарийб 5 минг мактабгача таълим муассасаси ҳамда 75 шундай нодавлат муассасасида 586 мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда. Тарбия масканларини юқори салоҳиятли, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, зарур техник, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

2011-2013 йилларда давлат бюджети ҳисобидан 10 миллиард сўмга яқин маблағ ушбу таълим муассасалари тарбияланувчилари манъий фикрлашнинг ўстирувчи 24 хилдаги ўйинчоқлар, керакли ўқув воситалари билан таъминлашга сарфланди. 2014 йилда мамлакатимиздаги 4800 тайёрлов гуруҳига 7 турдаги жамланма ўйинчоқлар етказилди. Мазкур жамланма таркиби тасвирий санъат машгулотига фойдаланиш мумкин бўлган маркер, акварел бўёқлари билан тўлдирилган бўлса, «Образли ўйинлар жамланмаси» болаларни бирор-бир касбга йўналтириш, мутахассис сифатида ўйин ўйнаш имконини яратди. «Математик доскача», «Ҳаммасини билишни истайман» деб номланган ўйинчоқ-компьютерлар жамланмаси болаларнинг ақлий салоҳиятини ўстиришга хизмат қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан

ДИЛНИ РАВШАН ҚИЛГАН НУР



Кичкинтойлар учун янги лойиҳалар

«Ота-оналар учун 5 китоб» лойиҳаси доирасида нашр этилган — «Ўқиш ва саводга тайёрлаш», «Математик тасаввурларни шакллантириш», «Шеърли асарлар тўплами», «Насрий асарлар тўплами», «Соғ танда» — соғлом ақл» кўпнаамалари ота-оналар учун янада қулайликлар туғдирди. Ундан мактабгача таълим масканларига қатнамайдиган болаларни уйда ўқитиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Маҳалламиздаги Гулсанам ая набираларининг таълим-тарбиясига жиддий ёндашди.

— Бугунги давр болалари жуда зукко-да. Кичик набирам Сарвиноз уч ёшда. Гапиришлари бурро. Инглиз тилидаги сўзларни айтганида қувончин ичига сиймади. Унинг саволлари ҳатто ойисини ҳам шошириб қўяди, — дейди ая.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмағида 3-6 ёшли қизлар учун ҳафтасида икки марта «Зумра-

дойлар давраси» тўғарак машгулотлари амалиётга жорий этилди. Бу фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидалари, одоб-ахлоқ тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда «Соғломжон» — полвонжон» спорт мусобақаси мунтазам ўтказилмоқда.

Мактабгача таълим даргоҳларининг ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларидаги тарбиявий жараёнларда болаларни Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўғрилган машгулотлар тизими олиб борилмоқда. Уларнинг илк билимлари шаклланиши, тафаккур доираси кенгайиши, мустаҳкамланиши ва бойишида қизиқарли машгулотлар, хорижий тиллар, бадий гимнастика, шахмат-шахса, мусика, тасвирий санъат, рақс, спорт, экологияга оид турли тўғараклар, музей ва кутубхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини ошириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида қўшимча чоралар ишлаб чиқилди. Кичкинтойларни саводга тайёрлаш, нутқини ўстириш, гигиеник кўникмаларини шакллантириш билан бирга тасвирий санъат, мусика саводхонлиги, маънавиятини юксалтириш, Ватанини севиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб боришга хизмат қиладиган «Болажон» маърифий ва «Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари» дастурлари интеллектуал ўйинлар билан янада бойитилди. Шу билан бирга, «Қисқа муддатли гуруҳлар» учун дастур яратиш, методист, психолог, дефетолог мутахассисларининг фаолиятини кенгайтириш бора-сида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 303-муассаса тарбияланувчиларининг ота-оналарига «Фарзандингиз кунни қандай ўтказётганини билишни, уларнинг фаолиятини кузатишни хоҳлайсизми? Унинг орзулари ҳақида тўлиқ маълумотга эгасизми? Истеъдодли кичкинтойингиз рақсини, кўшиқ ёки шеър айтишини, расмлар чиқишини кўришни истайсизми?» деган мазмундаги хатлар тарқатилди.

Бу болаларининг кун давомида қандай машгулотлар билан бандлиги, уларнинг қизиқиши, дўстлари билан яқиндан танишишини истаётгани катталар томонидан ижобий қабул қилинди. Улар кун давомида кичкинтойлар билан бирга орзулар қилишди, расмлар чиқариш, рақсга тушибди. Мамлакатимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида йилига икки марта ўтказиладиган «Очиқ эшиклар кuni» тадбирлари жажжи фарзандларимиз калбиди ўзига, келажакка бўлган ишонччи оширишга хизмат қилаетир.

Истиқлол халқимизга фахр-ифтихор, келажакка умид билан яшаш туйғуларини қайтарди. Тарбиячилар, соҳа жонқуярларининг соғлом тафаккурли фарзандларни тарбиялаш, вояга етказиш учун қилаётган фидокорона ҳаракатлари кўнгилларга нур бағишлайди. Бу соғлом авлод орзусини рўёбга чиқариш, юртимизнинг келгуси тараққиёт босқичларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, «Бизнинг эзгу ниятимиз — келажак буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган».

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимиз кун сайин ривожланиб, юксалиш ва тараққиёт сари одимлаб бораётган. Ҳар бир соҳа: фан-таълим, спорт, қурилиш-бунёдкорлик, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қўйингки, барча йўналишларда катта ютуқларга эришилмоқда.

Ёшларимиз турли халқаро спорт ва фан олимпиадаларида юқори натижаларни қайд этиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтарётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўсиб келаётган авлодни маънавиятли, ахлоқан етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва баркамол этиб тарбиялашга бугун давлатимиз сийосатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама кўплаб-қувватлаш, уларни мукаммал билим олиб, келажакда етук инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Катта ҳаётга қадам қўётган ёш авлоднинг камол топиши ва мустақил ҳаёт бошлаши учун барча имкониятлар мавжуд.

Ана шундай шарт-шароит ва имкониятлар яратилган бир пайтда айрим катталар, яъни ота-оналар, акалар ва опалар, шунингдек, ёшлар тарбиясига алоқадор бўлган бошқа инсонлар томонидан йўл қўйилаётган эътиборсизликлар тўғрисида баъзи ёшларимизда ўқишини ташлаб қўйиш, фойдасиз, тарбияга салбий таъсир этадиган ишлар билан шуғулланиш, жиноят содир этиш, турли оқимлар ва одам савдоси каби иллатлар домига тушиб қолиш ҳоллари кузатишмоқда.

Тарбия ҳақида гап кетганда миллий телеканалларимиз, радио тўқинлари ва газета саҳифаларида айтилаётган бир масалага қайта тўхталмасдан илоҳимиз йўқ. XXI аср сўзсиз ахборот асрига ай-

ланди. Кейинги йигирма йил ичида телекоммуникация тармоғи тасаввур қилиш қийин даражада ривожланди. Сўнгги турдаги телефон, планшет, нетбук, ноутбук ва компьютерлар интернет орқали бизга керакли маълумот ва аниқликларни бир зумда аниқлашда беҳимнат хизмат қилмоқда. Халқимизда «Бир яхшининг бир ёмони бор», деган нақл юради. Худди шундай, интернет ва юқорида номлари келтирилган технологияларнинг фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир этадиган тарафлари ҳам талайгина.

Сўзимиз аввалида баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳақида гапирганинг, аммо улар бошқа томондан фарзандларига жуда эътиборлилар. Масалан, эндигина бешинчи ёки олтинчи синфда ўқиётган боласига қиммат телефон ёки планшет олиб бериш, қўлига ҳарак-жарақ пул тутқизиш ёки сал каттароқларига маданиятимизга мос келмайдиган, тиззиси ва орқа чўнтағи йиртиқ шимлар, калта юбкалар, ўзга мамлакат байроғининг сурати ё бўлмаса, ахлоқсиз суратлар туширилган футболкаларни олиб беришга келгандагина эътиборли. Фарзандига яхши тарбия бериш, унинг юриш-туришини назорат қилиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатли бўлишга ўргатиш, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида ўстиришга келганда эса яна ўша гап...

Инсонни маънавиятли, теран фикрлайдиган қилиб ўстиришда оилавий му-

ҳит ва ота-онанинг ўрни бекиёсдир. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига бепарво қараши нихоятда аянчли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бутун инсоният ҳаётига ҳавф солаётган гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатлар минг афсуски, бугун ҳам йўқолгани йўқ. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлланган. Ачинарли томони шундаки, бу бало тузоғига тушганларнинг аксари яттинчи ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Ушбу иллат оқибатида жамиятда йилига 200 мингдан зиёд киши ҳаётдан қўз юмади. Бир йилда 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланган. Жабранувчиларнинг 80 фоизини аёллар ва ёшлар ташкил этади.

Бу болалар бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Кўплаб ёшларимиз мана шу иллатлар домига тушиб қолиб, не-не кичкинликлару азобларни бошидан ўтказмоқда. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимизга яхши тарбия берайлик, нима яхшию, нима ёмон эканлигини ёшлигидан ўргатиб берайлик. Бир сўз билан айтганда, уларнинг тарбиясига беъэтибор бўлмайлик.

Нихолни парвардишламасанг унинг атрофида бегона ва зарарли ўсимликлар кўпайиб, охир-оқибат қуриб қолишга сабаб бўлади. Фарзанд тарбияси ҳам ана шундай, унга яхши тарбия берилмаса, керакисиз ва зарарли одатлардан чекланмаса келажакда ундан яхшилик кутиб бўлмайди.

Баҳром МАМАТАЛИЕВ,
Тошкент архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Ҳозирги кунда юртимиз ҳар соҳада илдам қадамлар билан ривожланиб жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга мамлакатлар қаторига кириб бормоқда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимиз кўпгина чет давлатлари билан мустақам дўстона алоқаларни ўрнатиб, турли соҳаларда тажриба алмашиб келмоқда. Айниқса, санъат соҳасидаги бундай алоқалар доим юртдошларимизнинг диққат марказидадир.

КўНГИЛЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРГАН МУСИҚА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида корейлик хушовоз опера хонандаси Кйонхи Ким хонимнинг концерт дастури бўлиб ўтди. Концерт Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва маданият маркази, Ўзбекистондаги Бутунжапон банки вакиллиги кўмағида ташкил этилди.

Кйонхи Ким хоним ўзининг майин ва ёқимли овози билан тингловчилар калбидан жой олди. Концертда Х.Волф, Ф.Тости, Г.Фауре, А.Пиаццолла, Ж.Верди каби бастакорларнинг дурдона асарлари ҳамда корейс қўшиқлари ижро этилди. Концертда махсус меҳмон сифатида Ўзбекистон халқ артисти, опера хонандаси Нормумин Султонов, мохир скрипка ижрокчиси Дмитрий Овчинников ва ўрнанаоз Дилара Ахметшина иштирок этишди. Улар ўзларининг ижролари билан концертнинг янада жозибадор ўтишига ҳисса қўшдилар. Концертда Кйонхи Ким хоним ва Нормумин Султонов Ж.Вердининг «Травата» операсидан дуэт ижро этишди. Байрамона руҳида бу дуэт тингловчиларга жуда манзур бўлди ва давомли олқишларга сазовор бўлди. Концертда гўзал тарзда ижро этилган мусиқий асарлар тингловчиларга хуш кайфият бахш этди.

Дилрабо КУРБАНОВА,

Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги мусикали театр-студиясининг яххоҳи вокалисти

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Кексаларни эъзозлаш — фарзандлик бурчимиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Маҳаллалар фаоллари, олий таълим муассасалари талабалари ва ўқувчилар, ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азимжонов, Республика Маънавият тарғибот маркази эксперти, профессор Ж.Шермухамедова ва бошқалар дунё ва минтақадаги сиёсий жараёнлар, унда Ўзбекистоннинг қатъий позицияси, тинчлик ва оқилолликни таъминлашдаги устувор вазифалар ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Сўнг фильм намойиш этилди.

— Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида, жумладан, халқимиз тарихида шундай оғир жараҳатларни қолдирганки, уларни эсламаслик мумкин эмас, — дейди II жаҳон уруши қатнашчиси Маргарита Меркулова. — Бу уруш баъарият бошига чексиз мусибатлар солди. Жанг майдонлари ва фронт ортида миллионлаб юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва матонат тарихда, халқимиз хотирасида мангу сақланиб қолади.

— Бугун инсоният оқилолликларига раҳна ва ташвиш солаётган мураккаб бир шароитда тинчликпарвар кучларнинг ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, БМТ Хавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, юртимизда олиб борилаётган оқилоллик сийосат халқимизга яхши маълум. Яъни узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи галда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни муҳим вазифамиз деб билимиз. Бундай жараёнларни кузатиб, юртимизда ҳукмрон бўлган тинч-осуда ҳамда дориломон кунларимизга шукрона келтирамиз.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

ТАЛАБАЛАР УЧУН КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент шаҳридаги Инха университетида «Google I/O 2015 Extended UIT» мавзусида конференция ўтказилди.

Университет ректори Ш.Шерматов ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиётгани юқори малакали мутахассисларга бўлган талабни янада ошираётганини таъкидлади. Университетда ўқув жараёни замонавий талаблар, жумладан, замонавий инновацион ўқитиш услубларини жорий қилиш ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилган. Айниқса, бу ерда «Ўқув жараёни — ишлаб чиқариш» тамойилини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда университет ахборот-коммуникация соҳасидаги кўплаб етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилмоқда. Дунёда энг йирик қидирув тизимига эга «Google» корпорацияси улардан бири. Веб-ишлаб чиқувчилар учун мўлжалланган ва ҳар йили ўтказиладиган глобал «Google I/O» конференцияси ушбу олий ўқув юрти талабаларининг ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор ташкил қилинди.

«Google I/O 2015 Extended UIT» конференцияси дастуридан қатор тадбирлар ўрин олган. Бундан қўзланган асосий мақсад талабаларни жаҳонда ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги янгилик ва инновациялар билан таништиришди. Университет фойеи ва коридорларида ўрнатилган стендларда хорижий ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг энг янги илова ва гажетлари намойиш қилинди.

Тадбирнинг ахборот қисмида тақдирот маросимлари ўтказилди. Жумладан, «Samsung Electronics» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари «Android» базасидаги ўз махсулоти тасдиқ этди, талабаларга компанияга ишга кириш учун қўйиладиган талаблар ҳақида сўзлаб берди. Мамлакатимиз мутахассислари эса бозорда талаб этилаётган дастурлаш тиллари ҳақида маърузалар қилди.

Тадбирнинг амалий қисмида дастурлаш бўйича сессиялар, соҳанинг тажрибали мутахассислари иштирокида маҳорат сабоқлари, турли танловлар бўлиб ўтди. Тезкор дастурлаш танлови талабаларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

— Бугун конференция иштирокчилари мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилди, — дейди ЎЗА мухбирига университет талабаси Нуриддин Иминохунов. — Бу ерда соҳага оид энг сўнгги янгиликлар, ахборот-коммуникация технологиялари вакиллари билан танишдик ва энг муҳими, ўз билим ва кўникмаларимизни бойитдик.

М.ҚАШИБОВ



Оқил Фуломов олган суратлар

Маданият

СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Ўзбекистон театрларининг аънавий «Сени куйлаймиз, замондош!» республика кўрик-фестивали ўтказилаётир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу ижодий лойиҳанинг бу йилги тадбирлари очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В.Умаров, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Ахмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни изчил равишда таъқиб қилиш борасидаги улкан эътибор ва ғамхўрлик ҳалқимиз, айниқса, ёшларда теран таъқиб, мустақил ва соғлом дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 30 август кунини Бухоро шаҳрида бунёд этилган Бухоро маданий марказига ташрифи чоғида театр санъатининг халқимиз маданий-маърифий ҳаётида тугган ўрни, давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонларнинг

образларини ифодалаган асарларни сахнага олиб чиқишга доир фикрлар билдириб, ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклди. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод маънавий дунёсини мустақамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, бошқаларга намуна бўладиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш зарурати ҳусусидаги кўрсатмалари ана шу йўлда олиб борилаётган изланишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

«Сени куйлаймиз, замондош!» республика кўрик-фестивали ушбу эзгу вазифалар ижросида муҳим қадам бўлди. Замон қаҳрамони сиймоси гавдалантирилган энг яхши асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивал Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари моҳиятини, миллий кадрларимизни мадх этувчи спектакллари аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу лойиҳа ижодкорларнинг ўзаро тажриба алмашиши, томошабин-

ларни миллий театр санъатимизнинг энг сара намуналари билан яқиндан таништиришга хизмат қилаётир.

Бу йилги фестивалга тайёргарлик жараёнида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Фестивалга тақдим этилган асарларни янада такомиллаштириш, уларни сахналаштириш жараёнида янги-янги ижодий изланишларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Кўрик-фестивалда иштирок этиш учун ижодий жамоалар томонидан ўттиздан ортиқ сахна асари тавсия этилди. Улар театр-шунос олимлар томонидан сараланиб, кўрик-фестиваль учун ўн бир спектаклдан иборат дастур шакллантирилди.

Ижодий жамоамиз Усмон Азим қаламига мансуб «Томир» спектакли билан иштирок этмоқда, — дейди Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри бош режиссёри Эрзамурод Айбатов. — Асар қаҳрамонлари олий таълим олиб, ўзи тугилиб ўсган қишлоғини янада обод этиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган ёшлар. Ушбу кўрик-фестиваль бошқа ижодий жамоаларнинг изланишларини атрофича таҳлил этиб, ўз ишларини ҳолис баҳолаш учун қулай имконият яратмоқда.

Лойиҳа давомида ижодий жамоаларнинг сара спектакллари намойиши, етук санъаткорлар иштирокида маҳорат сабоқлари, ижодий учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтади. «Саҳнада замондош образи» мавзусидаги анжуман бу борадаги интилишларни таҳлил этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш имконини беради.

Кўрик-фестиваль Бухоро вилояти мусикали драма театрининг «Бурч» спектакли намойиши билан бошланди.

(ЎЗА)

Кўргазмалар

МУСАВВИР ИЖОДИГА
ЧИЗГИЛАР

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Бадий академияси академиги Жоллибай Изентаев ижодига бағишланган «Шонирок остида» деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.

— Рассом кўпроқ манзара, портрет, натюрморт ва маиший композициялар жанрларида ижод қилади, — дейди Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори Камола Акилова. — Жоллибай кўп саёҳат қилиб, турли этюд ва картиналарини шу саёҳатлари давомида яратган. Унинг ҳар бир асари тақдорланмаслиги боис инсонларнинг қалбидан жой олиб келмоқда. Рассомнинг маиший асарларида қорақалпоқ халқи ҳаёти, урф-одатлари ва аънавлари, характерли типажлари ҳамда образлари бўлган меҳр-муҳаббат яққол сезилади.

Кўргазмада мусаввирнинг «Нукусда баҳор», «Баҳорий кўча», «Менинг ҳовлим», «Тўй», «Тушлик», «Байрам», «Париж Нотр Дам», «Нукусбой ўғлим портрети» каби 90 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

Жоллибай Изентаев XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, ўтмиш ва келажак, Фарб ва Шарқ, миллийлик ва умуминсонийлик ўртасида кўприк мисоли ўзининг ҳаммага маълум бўлган услубини яратди, десак хато бўлмайди. Кўргазма 21 июнга қадар давом этади.

Хабиба ЙЎЛДОШЕВА

Мамлакатимизда кардиология соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиздаги Шошинч тиббий ёрдам марказида Жанубий Корея давлатидан келган шифокорлар ҳамда маҳаллий жарроҳлар ҳамкорликларида ноёб жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.

Тиббиёт

ҲАМКОРЛИКДАГИ
ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

Маълумки, юрак-қон томирлари торайиши натижасида юрак фаолияти ёмонлашади. Агар бу ҳолатга бепарво бўлинка у албатта миокард инфаркти ёки инсульт ҳасталигига чалиниши мумкин. Ҳозирги кунда юртимизда кардиожарроҳлик соҳасини такомиллаштиришга, бу борада дадил одимлар ташлашга мутахассислар катта эътибор қаратишмоқда. Қувонарлиси, юрак клапанларини алмаштириш, стентлар қўйиш мақсадида шифокорлар жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Республика Шошинч тиббий ёрдам марказида Жанубий кореялик кардиологлар ҳамкорлигида юрак клапанларини алмаштириш мақсадида кунча амалга оширилган жарроҳлик амалиёти ҳам муваффақиятли яқунланди. Мутахассислар маълумотига кўра, беморнинг ҳозирги аҳоли қонақари даражада. Муҳими хавф-хатар ортда қолди. Дарвоқе, шу кунгача юрак клапанларини алмаштириш бўйича аввал ҳам амалга оширилган операцияларнинг муваффақиятли чиққанлиги қайд этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Спорт янгиликлари

Темура Мамадаинов олган сурат

ТОШКЕНТДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизда бокс бўйича 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз Бокс федерацияси ва Осиё бокс конфедерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн тўрт давлатидан юздан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 7 июнь кунини ушбу чемпионатнинг очилиш маросими бўлди.

Чорлов садолари остида майдонга мусобақа катнашчилари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб ўлгайишига қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон юксак спорт салоҳиятига эга мамлакатлардан биридир, — деди Осиё бокс конфедерацияси вице-президенти Орузбек Назаров. — Юртимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар маҳоратли спортчилар етиштиришга хизмат қилмоқда. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида спорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараларидир.

Бокс — Олимпия дастурига киритилган спорт тури сифатида мамлакатимизда жадал оммалашмоқда. Боксчиларимиз халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда мунтазам юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз шарафини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI

ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёраш тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан машғулот ва мусобақаларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун шароит яратиш, халқаро майдонда юксак натижалар кўрсатишга қодир истеъдодли спортчиларни танлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўлланми ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида ўзбек бокс мактаби вакиллари барча нуфузли мусобақалар — жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида муносиб иштирок этиб келмоқда. 2014 йилда ёш боксчиларимиз Таиланда ўтказилган Осиё чемпионатида иккита олтин, тўрт қумуш ва иккита бронза медалга эришиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва қумуш, иккита бронза медални қўлга киритди.

Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган II ўсмирлар Олимпиадасида Бектемир Мелиқўлиев олтин, Сулаймон Латипов қумуш медалга сазовор бўлди. Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари иккитадан қумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

Пойтахтимизда бошланган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида спортчилар ўн уч вазн тоифасида куч синашмоқда. Нуфузли мусобақада Ҳалимбек Ҳатиев, Баҳодир Баротов, Жаҳонгир Раҳмонов, Муроджон Алиев, Саиджамшид Жаффаров, Фарух Илҳомов, Аббосхон Мирзаабдуллоев, Яхёхон Саидхон сингари ёш боксчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА муҳбириМУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИМанзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 655

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 5632007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинганҲажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрият вақти бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ